Finlit.uz
молиявий саводхонлик

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

# МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Респубикаси
Марказий банки

Молиявий саводхонликни
ошириш департаменти

Веб-сайт: finlit.uz
Телефон: +998 71 212-73-58

# Молиявий саводхонликнинг долзарблиги

Дастур мақсади

Молиявий саводхонлик тушунчаси

# Молиявий саводхонлик нима учун зарур?

Молиявий саводхонлик – оқилона молиявий қарорларни қабул қилиш ва пировардда шахсий молиявий фаровонликка эришиш учун зарур бўлган хабардорлик, билимлар, кўникмалар, хулқ-атвор ва муносабатлар йиғиндисидир

- Молиявий саводхонлик даражаси юқори шахслар
- Молиявий «хавфсизлик ёстиқчасини» шакллантира олади
- Молиявий ахборотларни топади ва улардан тўғри фойдалана олади
- Тўғри молиявий қарорлар қабул қила олади
- Молиявий фирибгарликларнинг қурбонига айланмайди
- Молиявий мақсадларга эришади



# Молиявий саводхонликнинг аҳамияти

Биз ва оила аъзоларимиз молиявий хизматлардан тўғри ва осон фойдаланишлари ҳамда пул маблағларини жамғариш, харажатларни режалаштириш каби молиявий қарорларни тўғри қабул қилишлари учун молиявий саводхонликни ошириш зарурдир

Бунда қуйидаги жиҳатлар алоҳида муҳим аҳамиятга эга:

- Тўлов тизимлари ва пул ўтказмалари;
- Банк кредитлари;
- Молиявий режалаштириш ва жамғариш;
- Суғурта хизматлари;
- Молиявий фирибгарлик;

# Тўлов ва пул ўтказмалари

Тўлов турлари ва усуллари.

Банк к арталари афзалликлари.

Миллий ва хорижий валютадаги банк карталарининг ўзига хос жиҳатлари.

Тижорат банклари ва тўлов ташкилотларининг мобил иловалари.

# Тўлов турлари ва усуллари

## Тўлов турлари

- Нақд пул маблағлари;
- Нақд пулсиз
- Нақд пулсиз пул маблағлари
- Электрон пуллар

## Тўлов усуллари:

- Чипли банк карталари ёрдамида. Чипли карта POS-терминалга қўйилади, эҳтиёжга қараб ПИН-код терилади
- Контактсиз тўловларни амалга ошириш технологиясига эга банк карталари. POS-терминалга яқинлаштирилади
- Банк картаси реквизитлари ёрдамида виртуал тўловлар. Бундай тўловларни амалга ошириш учун карта олд тарафида кўрсатилган реквизитлар ва орқа томонида кўрсатилган 3-рақамли CVC/CVV2 кодлари терилади
- NFC технологияли мобил телефонлар ёрдамидаги тўловлар. Бунинг учун мобил телефонни тегишли қурилмага яқинлаштиринг;
- Электро пуллар билан тўловлар (электрон ҳамёндан пул ечилиши)
- Ҳисобварақдан банк ўтказмаси орқали тўловлар: банк офисларида, мобил илова, банкомат, инфокиоск орқали
- QR-код орқали тўловлар. Телефон камерасини товар QR-кодига яқинлаштириб, автоматик равишда тўловни амалга ошириш мумкин. CLICK, Payme и Oson тизимларида бундай хизмат имконияти мавжуд

# Банк карталари турлари ва уларнинг афзалликлари

**Муайян фаолият учун мўлжалланган турли хил банк карталари мавжуд**

- Дебет банк картаси
- Кредит банк картаси
- Халқаро карталар
- Корпоратив банк карталари

**Банк карталаридан фойдаланишнинг афзалликлари**

- Ҳисобварақни бошқариш
- Хавфсизлик
- Қулайлик
- Интернет орқали хизматлар учун тўловлар/харидлар
- Covid-19 билан зарарланиш хатарининг камлиги
- Харидлар учун кешбек олиш имконияти

# Кэшбек (Cashback)

Кешбэк – бу маълум харид учун пулнинг бир қисмини қайтариб бериш

.

“Cashback” - қайтариб бериш механизми:

Тўловни амалга ошириш;

Тўловни тасдиқлаш;

Тўловни текшириш ва белгиланган қисмини қайтариш.

Ушбу тизимнинг афзаллиги:

Мижоз пулнинг бир қисмини тежайди;

Сотувчи кўпроқ харидорларни жалб қилади ва шунга кўра кўпроқ фойда олади;

Кэшбэкни ким қайтариб беради?

Воситачи ташкилот (кэшбэк сервислари);

Тўғридан-тўғри сотувчининг ўзи.

# Банк картаси бўйича операциялар ишончлилигини таъминлаш




СМС-хабарнома функцияси карта орқали амалга оширилган барча операцияларни назорат қилишда ёрдам беради;

Тўғри ПИН-код танлаш. Банк картангизни ҳимоялашнинг муҳим жиҳатларидан бири – мураккаброқ ПИН-код ўрнатишдир.

## Карта йўқолган ҳолда қуйидаги амаллар бажарилади:

Карта эгаси дарҳол банкка хабар беради (тешигли банк алоқа рақамига телефон қилиб ёки ташриф буюриб, шунингдек мобил илова орқали боғланиб);

Карта бўйича барча операциялар блокланади (мобил илова орқали ҳам блоклаш имконияти мавжуд);

Карта бир ёки 3 банк иш куни ичида қайта очиб берилади. Банк картасини очиш учун тўлов:

# Миллий ва чет эл валютадаги банк карталарининг хусусиятлари

Дебет банк картаси (миллий валютадаги банк картаси) – банкдаги жорий ҳисоб рақамингизга уланган банк картаси.

Чет эл валютадаги банк картаси – халқаро тўлов тизимларида қўлланиладиган халқаро карта. Масалан, Visa ва MasterCard каби тўлов тизимлари.

Миллий ва чет эл валютадаги банк картаси мавжуд бўлса, мобил илова ёрдамида куннинг исталган пайтида миллий валютадаги пул маблағларини чет эл валютасига, чет эл валютасини эса миллий валютага айирбошлаш имконияти мавжуд

# Россияда чет эл фуқаролари учун қулай хизматлар яратилмоқда




СберБанк банкомат ва тўлов терминалларида нақд пул ечиш/кирим қилиш, баланс қолдиғини текшириш, мобил алоқа тўлови амалиётлари ўзбек тилида




СберБанк офисларида банкнинг асосий маҳсулотлари бўйича ўзбек тилида маслаҳатларни олиш мумкин. Зарур ҳолларда банк ходими онлайн-таржимадан фойдаланиши мумкин

# Дебет картаси: СберБанкдан СберКарта

**Ўзбекистонга пул ўтказмалари;**
Сбербанк Онлайн (СБОЛ) мобил иловаси орқали пул ўтказмалари

**СБОЛ орқали қулай тўлов;**
Мобил алоқа ҳисобрақамини комиссионсиз бир зумда тўлдириш ва ҳеч қандай узилишларсиз иш учун патент тўлови

**Бонус дастури;**
«Спасибо от Сбербанка» дастури билан картага бонуслар йиғилади. Бонусларни ҳамкорларнинг чегирмаларига алмаштириш мумкин. 1 бонус = 1 рубль

**Индивидуал дизайн**
Карта юза қисмига ўз ватани расмларини библиотекадан танлаб қўйиш (масалан, Регистон мажмуаси) ёки ўз расмини жойлаштириш мумкин

**Картани қандай олиш мумкин:**

1. СберБанк веб-сайтида аризани расмийлаштиринг;
(Паспортингиз ва Россия мобил оператори рақами)

2. Карта тайёр бўлганлиги ҳақида СМС хабарни кутинг;

3. Банк офисидан картангизни олиб кетинг;
(Паспорт ва Россия ҳудудига расмий кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатингизни ўзингиз билан олинг)

# Тижорат банкларининг мобил иловалари

## Мобил банкинг – бу:

- Ҳисобварақаларни масофадан бошқариш;
- Барча интернет-банкинг хизматларидан фойдаланиш;

## Мобил банкинг афзалликлари:

- Куннинг 24 соати давомида маблағларни хавфсиз бошқариш;
- Вақтни тежаш (амалиётлар тезроқ бажариладаи ва банкка боришнинг ҳожати йўқ).

Мобил телефон йўқолса ёки ўғирланса, биринчи ўринда карта ҳисобварағи очилган банк филиалига мурожаат қилиб картани блоклаш зарур

## Мобил банкинг камчиликлари:

- Мобил телефонни ўғирлатиш ёки йўқотиш;
- Интернет бўлмаганидан хизматдан фойдалана олмаслик.

## Хавфсизлик талаблари:

- (!) Телефон орқали мобил иловадан фойдаланиш учун парол ўрнатилиши шарт.

# Банк мобил иловасида рўйхатдан ўтиш

## Мобил банкингга уланиш босқичлари:

- Банк картасига эга бўлиш;
- Google Play ва App Store орқали тегишли иловани юклаб олиш;
- Банк картаси, телефон рақами маълумотларини киритиш ва авторизациядан ўтиш;
- Мобил-банкинг хизматларидан фойдаланиш;

## Мобил иловада банк картасини авторизация қилиш учун талаб қилиналиган маълумотлар:



# Банк мобил иловасида рўйхатдан ўтиш

«СберБанк Онлайн» - Россия бозорида энг машҳур банк иловаси.

Фойдаланишни қандай бошлаш мумкин?

**01** Иловани юклаб олинг

**02** Банк карта рақамидан фойдалнган ҳолда киринг

**03** Иловадан фойдаланинг ва янгилаб туришни унутманг



# Амалиёт

Банк мобил иловасида рўйхатдан ўтиш ва картани авторизация қилиш

Банкнинг виртуал картаси ва электрон ҳамёнини очиш

Мобил илова орқали валюта айирбошлаш амалиётини бажариш

# Иловадан қандай фойдаланиш керак? (тўловларни амалга ошириш)

**Барча банк мобил иловалари интерфейси одатда қулай ва осон. Қуйидагилардан иборат:**

- Баланс;
- Сўнгги ой бўйича даромад ва харажатлар;
- Операциялар (ўтказмалар, тўловлар ва ҳ.к.)

**Мисол учун: Коммунал тўловларни амалга ошириш:** → Иловага кириш → ПИН-код паролни териш → "Хизматлар тўлови" операциясини танлаш → Керакли коммунал хизматни танлаш (электр энергияси, табиий газ ва ҳ.к. → Тўлов суммасини киритиш ва "тасдиқлаш" тугмасини боси

# Виртуал тўлов карталари

Рақамли виртуал карталар бу

Хавфсиз. Асосий банк картаси маълумотларини тақдим этмасдан онлайн тўловларни амалга ошириш мумкин.

Универсал. Исталган электрон ҳамёнга боғлаб қўйиш ва пул маблағларини турли валюталарда сақлаш мумкин.
Амал қилиш муддати. Амал қилиш муддати 1 кундан 3 йилгача ўзгариши мумкин.

Бугунги кунда виртуал тўлов карталарининг ноқулайлиги шундаки, улар ҳамма мамлакатларда, ҳамма компания маҳсулот ва хизматлари учун мавжуд эмас, хусусан, ҳозирча

# СберБанк виртуал карталари

**01** Иловадан фойдаланинг ва янгилаб туришни унутманг

**02** Асосий экрандаги «Кошелек» картасига «+» ни → «Дебетовая» ни→ «Все карты»ни босинг

**03** Visa рақамли картасини танланг → кўрсатмаларга амал қилинг

**04** SberPay, Apple Pay, Samsung Pay ёки Google Pay лар орқали тўловларни амалга ошириш учун картани қўшиб қўйинг




- Онлайн-харид ва дўконларда контактсиз тўловлар учун мўлжалланган
- Доим текин
- NFC технологияли смартфонлар ёрдамида дўконларда харидларни амалга ошириш имкониятини беради
- Ҳисобни тўлдириш учун комиссия мавжуд эмас
- Банкка бормасдан 2 дақиқа ичида онлайн олиш мумкин
- СберБанк мижозларига тез-тез пул ўтказмаларида қўл келади
- QR-код

# Электрон пуллар ўзи нима?

Электрон пуллар - бу интернет тизимида турли тўловларни амалга оширишга мўлжалланган виртуал пуллар бўлиб, маълум валютага бириктириб қўйилади.

Электрон пуллар электрон ҳамёнларда сақланади ва уларнинг муомаласи электрон тўлов тизимларида амалга оширилади.

(!) Электрон пуллардан фақат масофавий тўлов имконияти мавжуд бўлган (QR кодлар ва NFC тизимлари) дўконларда фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда CLICK, Payme ва OSON каби учта тўлов ташкилотлари томонидан яратилган тўлов тизимлари фаолият юритади.

(!) Хавфсизлик жиҳатидан:

Идентификацияланмаган ҳамёнларни очиш учун хеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди;

Тўлов жараёнида сизнинг шахсий маълумотларингиз кўринмайди;
Молиявий фирибгарликка дуч келиш эҳтимоли жуда кам бўлади.

# Банк картасининг электрон хамёндан фарқи

Электрон ҳамён - бу шундай компьютер дастурики, қуйидаги функцияларни бажариш мумкин:

- Электрон пулларни сақлаш;
- Харидлар ва хизматларга ҳақ тўлаш;
- Пулни банк ҳисобварағига ёки банк картасига ўтказиш;
- Нақд пул олиш.

Банк картаси бўлса, электрон ҳамён нима учун керак?

- Электрон ҳамёнда пулни турли валюталарда сақлашингиз мумкин;
- Халқаро тўлов тизимида пул ўтказмалари тез ва қулай. Мисол учун, Сиз тез ва осон усулда хорижий мамлакатдаги бошқа шахснинг ҳисобварағига қулай валютада пул ўтказишингиз мумкин.
- Саёҳат учун қулай - ҳамма нарса смартфонга боғланган ва NFC (контактсиз алоқа) ёрдамида тўловни амалга ошириш мумкин;

# Нақд пул маблағларини нақд пулсиз кўринишдаги пул маблағларига ўтказиш йўллари

**Банкоматлар орқали.**

HUMO ва UZCARD банк картасини банкоматнинг карта қабул қилувчи ридерига солинади

пин-код киритилади;

нақд пул тўлдириш операцияси танланади;

керакли сумма миқдори киритилади;

банкноталар банкоматга қўйилади;

ENTER тугмаси босилади.

**Нақд пулларни банкка олиб бориб банк карта ҳисобига ўтказиш.**

Бунда, мавжуд карта бўйича хизмат кўрсатаётган тижорат банкига бориш тавсия этилади;

Бошқа исталган банк орқали нақд пулларни банк картасига жойлаштириш учун банк картаси бўйича хизмат кўрсатувчи банкнинг транзит ҳисобварағини билиш лозим бўлади



# Сбербанк Онлайн иловаси орқали корвертация қилиш

Илованинг асосий экранида:

01 Излаш қаторидан «Курсы валют» деб теринг

02 Излаш қаторидан «Курсы валют» деб теринг

03 Валютани танланг ва кўрсатмаларга амал қилинг



# Тўлов ва пул ўтказмалари

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ва чет эл молия ташкилотлари билан ҳамкорликда халқаро пул ўтказмалари бўйича мижозлар учун яратилган имкониятлар.

Халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш тартиби.

Таққослаш асосида пул ўтказмалари компаниясини тўғри танлаш кўникмалари

# Халқаро пул ўтказмалари – Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ва хорижий молия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг мижозлар учун имкониятлари

**Халқаро пул ўтказмалари – хориждаги бошқа шахсга ва/ёки компанияга пул жўнатиш;**

- Банк (анъанавий усул) ёки пул ўтказмалари бўйича махсус хизмат орқали амалга ошириш мумкин;
- Аксарият халқаро ўтказмалар SWIFT ёки peer-to-peer тизимлари орқали амалга оширилади;
- 

SWIFT - бу аъзо ташкилотларнинг молиявий ахборотларини бир-бирига тез ва хавфсиз етказиб берувчи аъзоларга тегишли кооперативдир.

SWIFT ҳар бир аъзо ташкилотни ягона ID код орқали рўйхатга олиш ёрдамида фолият юритади. Ушбу код банк номи, мамлакат, шахар ва филиал кодини ўз ичига олади ва 8-11 белгидан иборат.

# Халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш тартиби ва қиймати

## Қуйидаги босқичлардан иборат:

- Ўтказма усулини танлаш: банк ёки халқаро пул ўтказмалари тизими офислари;
- Ўтказма турини танлаш: мобил илова орқали ёки шахсан офисда;
- Ўтказмани қабул қилиш тури: карта, ҳисобварақ ёки накд пул кўринишида;
- Тўловни амалга ошириш.

## Халқаро пул ўтказмалар тизимидан фойдаланиш нархи қуйидагиларга боғлиқ:

- қайси компания хизматларидан фойдаланиш;
- қайси мамлакатга пул юбориш;
- қандай шаклда хақ тўлаш;
- валюта айирбошлаш курси;
- юборилаётган маблағ суммаси;
- хизмат ҳаққининг миқдори.

# Азия-Инвест Банк

"Азия-Инвест Банк" (АЖ) Россия-Ўзбекистон йўналишида ўзининг "АзияЭкспресс" пул ўтказмалари тизимига эга;

Ҳамкор банкларнинг барча филиалларида юбориш нуқтаси:

“РоссельхозБанк” -1550 нуқта,

“Солидарность” банки - 36 нуқта

Руна банки - 24 нуқта

Россия бўйлаб 1600 дан ортиқ банк филиалларидан пул ўтказмаларини юбориш/олиш имконияти;

“Солидарность” банкининг мобил иловаси орқали пул юбориш;

Ўзбекистонда ўтказмаларни Миллий банк, Агробанк, Кишлок курилиш банки, Халк банки, Турон банк, Давр банк, Азия-Альянс банк каби банкларнинг 900 дан ортиқ филиалларида олиш мумкин

# Агробанк халқаро пул ўтказмалари

**Россия Федерациясининг рублидаги барча пластик карталаридан Агробанк пластик карталарига ва Ўзбекистон Республикасининг барча пластик карталаридан Россия Федерациясининг рублидаги барча пластик карталарига маблағ ўтказиш - P2P хизмати.**

**01** Агробанк пластик картасини очдиринг, пластик картага смс хизматини уланг;







**02** “Agrobank Mobile” иловасини юклаб олиб, смс хизмати уланган Агробанк пластик картасини бириктиринг;

**03** “Agrobank Mobile” иловасининг қуйидаги бўлимига ўтиб ўтказмани осон амалга оширинг:






# СберБанк: Ўзбекистондаги ҳамкор-банклар

ASIA ALLIANCE BANK

KAPITALBANK

BANK IPAK YO'LI

AGROBANK

NBU O'ZMILLIYBANK



# Агробанк Халқаро ўтказмалари

SBER

AGROBANK

Сбербанк пластик картасидан Агробанк пластик карталарига маблағ ўтказиш:

1. Агробанк пластик картасини очдиринг, пластик картага смс хизматини уланг.
2. "Agrobank Mobile" иловасини юклаб олиб, смс хизмати уланган Агробанк пластик картасини бириктиринг.
3. "Сбербанк Онлайн" иловаси орқали қуйидагиларни бажаринг:




Агробанк пластик картасидан Сбербанкпластик карталарига маблағ ўтказиш:

1. Агробанк пластик картасини очдиринг, пластик картага смс хизматини уланг.
2. "AgrobankMobile" мобил иловасини юклаб олиб, смс хизмати уланган Агробанк пластик картасини бириктиринг.
3. "Agrobankmobile" иловасининг қуйидаги бўлимига ўтиб ўтказмани осон амалга оширинг:



# Масофавий халқаро пул ўтазмаларидан фойдаланиш нимаси билан қулай?

1. Ўтказманинг тезлиги;
2. Исталган вақт ва қулай жойда фойдаланиш мумкин;
3. Фойдаланишнинг соддалиги;
4. Хавфсизлик ва ишончлилик

**Чет эл банкдаги хисобварақ ёки картага телефон рақами орқали қандай қилиб пул ўтказиш мумкин?**

**Ўтказма учун нима керак?**

СБЕР

- Интернетга уланган смартфон
- Сбербанк Онлайн мобил иловаси

## Қандай ўтказилади:

Илованинг менюлар қаторидан қуйидаги бўлимларни топиб танлаш лозим «Платежи» → «Перевод по номеру телефона на карту/счет» → Узбекистан → Ввести номер телефона получателя → Выбрать сумму перевода → Отправить

## Ўтказмани қабул қилувчига зарур маълумот:

Ўтказмани қабул қилувчидан ҳеч қандай ҳаракат талаб этилмайди. Пуллар автоматик равишда ҳисобварақка ёки картага кўчирилади.

# Ўзбекистонда кенг фойдаланиладиган халқаро пул ўтказиш тизимлари

Western Union

Золотая корона

Unistream

Contact

MoneyGram

# Сбербанкдан Western Union орқали пул жўнатиш

СБЕР

## Ўтказма учун нима зарур?

- Интернетга уланган смартфон
- Сбербанк Онлайн мобил иловаси

## Қандай ўтказилади:

Илованинг менюлар қаторидан қуйидаги бўлимларни топиб танлаш лозим «Платежи» → «За рубеж» → «Перевод по ФИО и номеру телефона для выплаты наличными → Узбекистан → Ввести валюту и сумму перевода → Ввести ФИО и номер телефона получателя

## Ўтказмани қабул қилувчи учун зарур маълумотлар

- 1. Банкдан унинг рақамига келган СМС ёки пул жўнатувчидан ўтказманинг назорат рақами аниқлаб олиши.
- 2. Western Union тизимининг ўзига яқин бўлган шаҳобчаси шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан бориб, ўтказманинг назорат рақами, жўнатувчининг исми фамилияси ва давлатни айтиши зарур.

# Мобил пул ўтказмалари тизимлари

SalamPay

SPOKO

Россиядан пул ўтказмалари Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Азарбайжонга амалга оширилиши мумкин;

Мижозлар билан ишлаш хизмати ҳар куни 24 соат 5 та тилда;

Барча тўловлар 0% комиссия асосида

Польша, Германия, Чехия, Италия, ва бошқа Европа Иттифоқи мамлакатларидан евро ёки злота валюталарида пул юбориш;

Украина, Россия, Узбекистон ва бошқа 100 лаб мамлакатларда евро, злота, АҚШ доллари ва мамлакатнинг маҳаллий валютасида қабул қилиш имкониятини тақдим этади

# Таққослаш асосида пул ўтказмалари компанияларини танлаш

**Қуйидаги факторларни инобатга олиш зарур:**

- Комиссион тўлов ҳажми;
- Тизимнинг қамраб олиш даражаси
- Пул ўтказмалари валютаси;
- Муддат;
- Манзил бўйича ёки манзилсиз пул ўтказмалари танлови мавжудми ёки йўқми.

**Капиталбанк VISA карталари эгалари “Apelsin” мобил иловаси орқали уйдан чиқмаган ҳолда МДҲ мамлакатларига ҳамда Европанинг 20 дан ортиқ давлатларига пул ўтказмаларини амалга ошириш имкониятига эга.**

# Тўлов ва пул ўтказмалари

Тўлов терминали ва банкомат тушунчалари

Чет элда терминал ва банкоматлардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари

Маҳаллий тижорат банклари мобил иловаларининг чет элдаги имкониятлари ва улардан фойдаланиш жараёни

# Банк ва нобанк тўлов терминаллари

Банк тўлов терминаллари – қуйидаги тўловларни мустақил амалга оширишга мўлжалланган банкнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қурилмаси:

- **солиқлар;**
- **жарималар;**
- **Коммунал хизматлар;**
- **телефон ва интернет алоқа хизматлари;**
- **кредит тўловлари.**

**Ҳар бир транзакция учун катта миқдорда комиссия олиниши мумкин**

Нобанк тўлов терминаллари – тўлов агентининг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қурилмаси

- **Тўлов агенти – кредит ташкилотларидан мустасно бўлган юридик шахслар**
- 
- **(!) Нобанк тўлов терминаллари сохта бўлиши ва кирим қилинган пулларни тегишли ҳисобварақҳа кирим қилмаслиги мумкин, шунингдек улар орқали банк картасидан нақд пул ечиб ёки унга кирим қилиб бўлмайди**

# Банкоматлар

Банкомат – ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи банк қурилмаси, шунингдек, тижорат банкининг электрон кассири;



## Асосий вазифалари:

- Нақдсиз пулларни нақд пулларга ва нақд пул маблағларини нақдсиз шаклга ўтказиш;
- Бундан ташқари, банкомат орқали қуйидаги имкониятлар мавжуд:
- картадан нақд пул маблағларини ечиб олиш;
- валюта айирбошлаш;
- солиқлар, жарималар ва коммунал хизматлари, шунингдек, телефон ва интернет хизматлари учун тўлаш;
- учинчи шахснинг карта ҳисобига пул маблағларини ўтказиш;
- маълумот олиш;

# Терминал ва банкоматлардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари

Бегона шахсларнинг ёрдамидан фойдаланманг. Банкомат олдида бегона шахсларнинг маслаҳатларига қулоқ солманг. Агар сизга ёрдам керак бўлса, банк ходимига ёки банкнинг алоқа рақамига мурожаат қилинг

Шубҳали шахслар олдила банкоматдан фойдаланманг. Улар тарқалишини ёки бошқа банкоматдан фойдаланишга кетишини кутиб туринг

Банкоматдан фойдаланишдан олдин, уни яхшилаб кўздан кечиринг. Клавиатура ва картани жойлаштирадиган жойда қўшимча қурилмалар йўқлигига ишонч ҳосил қилинг

Банкоматнинг ишчи ҳолатдалигига ва шикастланмаганлигига эътибор қаратинг – масалан нотекис ўрнатилган клавиатура. Агар нимадир шубҳа уйғотса, ушбу банкоматдан фойдаланманманг

ПИН-кодни тераётганда клавиатурани қўлингиз билан яширинг, ҳаттоки ён-атрофда ҳеч ким бўлмаса ҳам

Бу ўзингизни фирибгарлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради

Банкомат ўрнатилган бинога кириш учун ПИН-код терилиши талаб этиладиган қурилмага эътибор қаратинг

Агар шундай қурилмани кўрсангиз, ПИН-кодингизни терманг ва ушбу бинога кирманг

# Терминал ва банкоматлардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари

Ишчи ҳолатда бўлмаган банкоматдан фойдаланманг. Агар банкомат қотиб қолса, ўз-ўзидан ўчиб-ёнса ёки экранда шубҳали расмлар пайдо бўлса – банкоматдан фойдаланманг. «Бекор қилиш» тугмасини босиб жорий амалиётни бекор қилинг ва картангизни қайтариб беришини кутинг.

Банкоматдан фойдаланишда, сиздан олдинги мижоз томонидан барча операциялар якуниланганлигига ишонч ҳосил қилинг. Агар сизда шубҳа пайдо бўлса, «Бекор қилиш» тугмасини босинг.

# СберБанкнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қурилмаси

СберБанк банкоматлари менюси ўзбек тилига созланиши мумкин

- Мобил алоқа учун тўловларни амалга ошириш
- Нақд пул кирим қилиш
- Карта балансини текшириш
- Нақд пул ечиб олиш

Агар банкомат картангизни қайтариб бермаса, 900 қисқа рақамига ёки банкоматда кўрсатилган рақамга қўнғироқ қилинг. Банк ходимининг тавсияларини амалга оширмагунча, банкоматдан узоқлашманг



# Молиявий фирибгарлик

Ўзбекистон ва чет элда кенг тарқалган молиявий фирибгарлик турлари

Молиявий пирамида

Фирибгарлардан ҳимояланиш йўллари

# Фирибгарлар қандай қилиб алдайди?

01

## Банкнинг хавфсизлик хизматидан қўнғироқ

Рақам банкнинг расмий рақамига жуда ўхшаш бўлиб, қўнғироқ қилувчи ўзини «банкнинг хавфсизлик хизмати ходими» сифатида таништиради ва «банк сизнинг картангизда шубҳали операцияни аниқлаган»лиги айтади

02

## «Ҳимояланган» карта билан ҳамён иловаси (Приложение-кошелёк)

Банк номидан қўнғироқ қиладиган шахс сиз учун янги карта чиқарилганлигини, уни мобил илова ҳамёнига қўшиб қўйишни ва бошқа карталардаги маблағларни «сақлаб қолиш» учун ушуб картага ўтказишни айтади

03

## Нотўғри ўтказма

Мобил телефонга амалга оширилган амалиёт бўйича банкнинг сохта СМСи келади.Сўнг бошқа рақамдан илтимос пулни қайтариб ташашни сўраб СМС келади. Пулни сўралган картага кўчиришингиз билан фирибгарлар ғойиб бўлади

# Молиявий пирамида

Бу бизнесга янги иштирокчиларни жалб қилиш ҳисобига даромад топадиган фирибгарларнинг бизнес схемаси ҳисобланади

## Молиявий пирамиданинг ишлаш тамойиллари:

- Компаниянинг бир нечта дастлабки ишчилари яхшигина молиявий даромадни ваъда қилиб бизнесга сармоя киритиш учун янги иштирокчиларни излайди
- Одатда, пирамидага қўшилган янги иштирокчилар кичик бадал кирим қиладилар. Янги иштирокчиларни жалб қилган шахс уларнинг киритган бадалларидан бир қисмини олади
- Янги босқичга ўтган иштирокчилар кейинги иштирокчиларни излайди ва ҳар биридан тўлов олади
- Ушбу схема ҳар бир босқичда такрорланаверади ва компания тез суратларда ривожланиб боради

Молиявий пирамиданинг ягона даромад манбаи – аъзоларнинг мунтазам бадаллари ҳисобланади.

Пирамида янги иштирокчилар оқими тугамагунча ўсиб боради, сўнг фирибгарлар сизнинг пулингиз билан ғойиб бўлишади

# Молиявий пирамидани қандай аниқласа бўлади

- Юқори фоиз ставклари. Компания қисқа вақт ичида жуда катта даромад ваъда қилади
- Интернет, ОАВ, СМС-хабарномалари орқали агрессив реклама
- Эҳтимолий йўқотиш ва хатарларни яшириш
- Бошқаларни жалб қилиш эвазига даромад
- Компания яқинда рўйхатдан ўтган
- Компаниянинг актив, даромадлари ва харажатлари тўғрисда маълумот мавжуд эмас
- Фаол мотивация ва бир нечта шиорлар: «Фақат бугун!», «Биринчилардан улан – кўпроғига эга бўл!», «Бу сизнгинг сўнгги имкониятингиз!».

**(!!!) Агар сизга бундай битимни таклиф этишса барча маълумотларни тўплаб ўрганиб ҳуқуқшунос билан ўрганиб чиқинг ва сармоя киритишга шошилманг!**

# Россия Федерациясидаги молиявий пирамидалар

**Россия банкининг сайтида молия бозорида ноқонуний фаолият юритиши аниқланган компаниялар рўйхати жойлаштирилган.**

- «Молиявий пирамида» тамойили бўйича иш юритаётган ташкилотнинг ноқонуний молиявий фаолиятидан азият чекмаслик учун, ташкилот ноқонуний фаолият аломатлари аниқланган рўйхатда турмаганлигига ишонч ҳосил қилинг
- (!!!) Ёдда тутинг Ноқонуний молиявий хизмат кўрсатувчиларга мурожаат қилиш орқали сиз ўз пулларингизни йўқотиш билан таваккал қиласиз. Россия қонунчилиги Россия банки томонидан молия бозоридаги ноқонуний иштирокчиларнинг фаолияти қурбонларига тўловларни қайтаришни назарда тутмайди

# Фирибгарликдан ҳимояланиш йўллари

- ! Парол ва кодларингизни ҳеч кимга айтманг. ПИН-коди, CVC-/CVV-коди амал қилиш муддати ва бошқа маълумотларини ҳеч кимга, ҳаттоки дўстларингиз ва банк ходимларига ҳам айтманг
- ! Банк картангизга СМС-хабарномасини уланг;
- ! Киритилган маълумотни қайта текширинг;
- ! Хавфсиз веб-сайтларни танланг (Хавфсиз веб-сайт https:// билан бошланади);
- ! Харидлар ва хизматлар тўлови учун фақат мобил қўлланмангизни ишлатинг.

**МУХИМ! Мобил банкинг хизматидан фойдаланаётганда, банк мобил иловасига кириш учун парольни ўрнатишни унутманг.**

# Хавфсиз онлайн харидлар

01 Дўконни нафақат нарх-навоси бўйича балки, аввало фойдалаунвчиларнинг шарҳларига қараб танланг. Унутманг, барча расмий дўконлар картадан тўловларни қабул қилади

02 Сайт билан ҳимояланган ҳолда боғланганлигингизга эътибор қаратинг ва ўзингиз ҳавингизда ортиқча маълумотларни қолдирманг

03 Унутманг, дўкон сизга чек беришга мажбур. Электрон чек одатий чек каби юридик кучга эга

04 Билингки, сизга товар юборилмаган ёки сифатсиз товар юборилганда, чек билан сиз пулларингизни йўқотмайсиз

# СберБанкдан ҳимоя

## Ўзингизни алдашга қўйиб берманг

- Фирибгарларга алданиб қолмаслик учун СберБанк сайтининг асосий экранида «Хавфсизлик» бўлимини жойлаштирилган. У ерда кирувчи қўнғироқларни текширишни созлаш, маълумотларингиз фирибгарлар қўлига тушганлигини текшириш ва фирибгарликнинг янги турлари ҳақида билиш мумкин.

**Агар фирибгар қўнғироқ қилса, хизмат огоҳлантиради**

- «Хавфсизлик» бўлими ва созламаларда «Кирувчи қўнғироқларни текшириш» тугмасини активлаштиришнинг ўзи етарли.  Ушбу хизмат банкда ўрнатилган фирибгарликдан ҳимоя қилиш кенг қамровли тизимининг бир қисмидир.



# СберБанкдан ҳимоя

## «СберБанк Онлайн» мобил иловасида қандай қилиб ишончли пароль яратиш мумкин?

- Яхши пароль — бу рақамлар, белгилар, бош ва кичик ҳарфлардан ташкил топган пароль (qwerty123 эмас).
- Масалан фильмдан севимли сўзларни ва туғилган санангизни олиб пароль яратинг: TolkoSpokoystviye18. Ҳар бир пароль ўзига хос бўлиши учун банк ёки сайт номидан бир нечта ҳарф қўшинг

## Агар фирибгарлар картадан пул ечиб олган бўлса, нима қилиш керак?

- Зудлик билан 900 қисқа рақами орқали банкка қўнғироқ қилиб ёки СберБанк Онлайн орқали картани блокланг
- Банк офисига фирибгарлик амалиётини бекор қилиш бўйича ариза билан мурожаат қилинг
- Агар тўлов Яндекс.Маркет, AliExpress каби савдо порталлари орқали амалга оширилган бўлса, ушбу дўконларнинг техник кўмак хизматига боғланинг

# Кредитлаш

Кредит тўғрисида базавий тушунчалар. Кредит турлари

Кредит таъминоти ва унинг турлари

Кредит тарихи ва кредит бюроси тушунчалари

Меҳнат мигрантларига тақдим этиладиган кредитлар

Кредит скоринги нима ва у нима учун керак?

Чет элдан туриб Ўзбекистонда олинган кредитларни мигрантлар томонидан сўндириш усуллари

# Кредит ҳақида асосий тушунча

Кредит – бу банк, микрокредит ташкилоти ёки ломбард томонидан тақдим этиладиган пул маблағлари.

## Кредит қуйидагиларга тақдим этилади:



жисмоний шахсларга (фуқаролар) ўз эҳтиёжлари учун;



юридик шахсларга (фирма, компания ва ҳ.к.) бизнесларини ривожлантириши учун;

## Кредит турлари:

- истеъмол кредитлари;
- таълим кредитлари;
- микролизинглар, микрокредитлар;
- тадбиркорликнинг турли соҳаларини ривожлантириш ва бошқалар учун;

# Кредит тарихи тўғрисида

Кредит тарихи – бу Сизнинг қаердан, қайси кредит ташкилотидан, қанча миқдорда қарз олганингиз ва кейинчалик уни қандай тўлаганингиз тўғрисида батафсил маълумот;

Бу сизнинг қарз олувчи сифатида молиявий интизомингиз аксидир.

Кредит тарихи қарз олувчининг сўнгги 5 йил ичидаги маълумотларини акс эттиради;

Кредит тарихи пул ва бошқа мулкларни қарзга беришни назарда тутган шартномаларни имзолашда ўз таъсирига эга муҳим омил ҳисобланади.

# Кредит бюроси тўғрисида

Кредит маълумотларни йиғиш билан Кредит бюроси шуғулланади, улар Марказий банк томонидан берилган лицензияга асосан фаолият юритади.



Кредит скоринги - бу Сизнинг кредит қобилиятингизни баҳолаш тизими;

(!) Тегишли маълумотлар қарз олувчининг розилигисиз Кредит бюросига тақдим этилади.

(!) Скоринг баллини ошириш учун мажбуриятларни ўз вақтида бажариб боришингиз зарур.

(!) Салбий кредит тарихи чет элга борганда у ердаги кредит маҳсулотларидан фойдаланиш имкониятига тўсқинлик қилиши мумкин.

# Кредит скоринги, у нима учун керак

**Скоринг — бу банк мижозга кредит беришдан олдин унинг ишончлилигини аниқлайдиган баҳолаш жараёни**

Кредитга лаёқатлилик даражасини баҳолаш учун асос қарздорнинг даромадлари тўғрисидаги ҳисобот/маълумотнома (одатда, охирги 6 ой учун) ҳисобланади. Ушбу маълумотнома иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқ ва пенсия бадалларини ўзида акс эттириши лозим.

**Баъзи банклар ўзларининг скоринг тизимига асосланиб қарздорга кредит ажратишга қарор қилади.**

Тизим қуйидагиларга асосланиб мижознинг тўловлилик қобилиятини баҳолайди:

- иш жойи
- ўртача ойлик даромади

бошқа кредитлар бўйича қарздорлик ҳолати ва б

Агар таъминот учинчи шахс кафиллиги бўлса, кафилнинг ҳам даромадлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам тақдим этилади



# Кредит таъминоти ва унинг турлари

Гаров – мижозга кредит ажратишда таъминотнинг бир туридир.

Мулк, закалат, ҳуқуқлар ва товар кўринишида бўлиши мумкин.

Мулк: кўчар мулк (автомобиль, ускуна, техника) ва кўчмас мулк (турар ва нотурар жой).

Закалат: қимматбаҳо металлар, заргарлик буюмлари.

Ҳуқуқлар: қимматли қоғозлар, ерга ёки мулкка эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқлари.



# Кредитни сўндириш усуллари

Аксарият банклар масофавий тўлов усулларини ҳам таклиф қилишади;

Кредит бўйича тўловлар миллий валюта – сўмда амалга оширилади;

Маошингизни халқаро картангизга тушириб, пул маблағларини Humo ёки Uzcard карталарига миллий валютага конвертация қилган ҳолда кредит тўловларини амалга ошириш мумкин;

Кредит бўйича тўловларни нақд пулда учинчи шахс амалга ошириши имконияти мавжуд;

Бунинг учун учинчи шахс кредит ID рақамини билиши кифоя.

# Кредитни расмийлаштириш жараёни

## 01 Ҳужжатларни тайёрлаш

- Кредит аризаси (кредитни мақсади, суммаси, муддати, сўндириш шартлари кўрсатилади);
- Шахсни тасдиқловчи ҳужжат;
- Даромадлар тўғрисидаги маълумотнома;
- Кредит таъминоти бўйича ҳужжатлар

## 02 Кредит аризасини кўриб чиқиш

- Кредит скоринги: потенциал қарздорнинг кредитни сўндириш қобилияти баҳоланади;
- Ҳужжатларни ҳақиқийлиги текширилади: тегишли ташкилотлар билан маълумотлар алмашуниви ёрдамида;
- Кредит ажратиш ёки уни рад этиш бўйича қарор қабул қилинади.

# Кредитни расмийлаштириш жараёни

## Шартнома тузиш

03

- Шартнома предмети: кредит миқдори, муддати, имтиёзли давр, сўндириш шартлари
- Банк ҳуқуқ ва мажбуриятлари: ўз вақтида кредитни ажратиш, кредит бўйича маълумотларни тақдим этиб бориш ва б.
- Қарздорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари: ўз вақтида мажбуриятларни амалга ошириш, маълумотларни олиш тартиби
- Кредит таъминоти
- Кредитни қайтариш графиги

## Шартнома ва мажбуриятларни бажарилиши назорати

04

- Кредитнинг мақсадли ишлатилганлиги (микроқарз, овердрафт бундан мустасно)
- Кредит таъминотининг ҳолати юзасидан мониторинг
- Қарздорнинг молиявий ҳолати юзасидан мониторинг

# Кредитни тўлиқ қиймати

Тижорат банкидан олинаётган ҳар қандай кредит бўйича уни олиш, фойдаланиш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар юзага келади

Бундай ҳаражатлар, кредитнинг асосий қарзи ва фоизлари билан биргаликда кредитнинг тўлиқ қийматини ташкил этади;

Масалан кредитнинг йиллик фоиз ставкаси 20% бўлса, кредитнинг тўлиқ қиймати йиллик 23% дан тўғри келиши мумкин;

(!) Банклар кредитнинг тўлиқ қийматини кредит шартномасида тўлиқ ва яхши ўқиладиган шрифтда кўрсатишлари керак.

# Мобил илова орқали кредитни сўндириш жараёни

«СберБанк Онлайн» мобил иловасида бошқа банкдан олинган кредитни тўлаш.  Зарур қурилмалар: интернетга уланган компьютер ёки смартфон.

**Босқичлари:**

- банк сайтининг шахсий кабинетида рўйхатдан ўтиш ёки банкнинг мобил иловасини смартфонга ўрнатиш лозим
- Иловани очинг
- Излаш қаторида «Кредитни сўндириш» қидиринг
- Қидирув натижаларига кўра керакли банкни танланг

Агар банкни топмасангиз, «БИК орқали бошқа банкка ўтказма/кредит» тугмасини босинг(«Кредиты/Переводы в другой банк по БИК»).

Агар сиз кредит олган банкнинг лицензияси қайтариб олинган бўлса, «Лицензияси қайтариб олинган банкларда кредитни сўндириш» хизматидан фойдаланинг.

# Амалиёт

Кредитни расмийлаштириш жараёни

Кредитни тўлиқ қиймати

Мобил илова орқали кредитни сўндириш жараёни

# Молиявий режалаштириш ва жамғариш

Шахсий ва оилавий бюджет ҳамда уни юритиш ва бошқаришнинг аҳамияти. Зарур ва кераксиз харажатларни аниқлаш.

Молиявий ёстиқча ва унинг хусусиятлари.

Банк омонатлари: банк омонатларини очиш ва уларнинг қайтарилишини кафолатланганлиги.

Онлайн банк омонатлари.



# Шахсий ва оилавий бюджетни юритиш ва бошқариш. Зарур ва кераксиз харажатларни аниқлаш.

Шахсий молия — жисмоний шахснинг барча турдаги пул маблағлари.

Оилавий бюджет — бу барча оила аъзоларининг бир ойлик даромадлари. Масалан, эр-хотиннинг иш ҳақи, шунингдек турли хил мукофотлар ва бошқа тушумлар.

Бюджетни режалаштириш — оиланинг даромадлари ва харажатларини тўғри ҳисобини юритиш. Оила бюджетини юритишда ҳар бир оила аъзосининг итироки муҳим ҳсиобланади

## Харажат турлари:

- Зарур харажатлар – кундалик ҳаётда тўхтатиб бўлмайдиган харажатлар. Буларга озиқ-овқат хариди, коммунал хизматлар тўловлари, транспорт харажатлари, кийим-кечак, уй ва соғлиқ учун зарур товарлар харидлари мисол бўла олади.
- Кераксиз харажатлар – кераксиз ва зарарли товарларга (ўйламасдан қилинадиган харидлар, вақтинчалик эҳтиёжларни қондириш учун товарлар) қилинган харажатлар.

# Шахсий ва оилавий бюджетни назорат қилиш аҳамияти

01 Мажбурий, қўшимча ва ортиқча харажатларни тўғри баҳолаш

02 Молиявий мақсадларга эришиш

03 Молиявий саводхонлик ва интизом даражасини ошириш

04 Қарз гирдобидан тезда чиқиш

05 Молиявий хавфсизлик ёстиқчасини яратиш

# Шахсий ва оилавий бюджетни назорат қилиш аҳамияти

- Ҳар ой доимий равишда даромаднинг маълум қисмини жамғариб бориш орқали молиявий ёстиқча шакллантирилади
- Молиявий хавфсизлик ёстиқчаси кутилмаган фавқулотда харажатлар юзага келганда асқотади
- Кундалик эҳтиёжларга шунчаки пулни совуриш яхши эмас. Резерв фавқулодда мақсадларда пулни ишлатиш учун шакллантирилиши лозим
- Қийин даврларда ҳотиржамлик бағишлайди. Бундай пайтларда пулни зудлик билан топиш эмас балки бошқа муаммоларга ечим топиш учун фикрни жамлашга ёрдам беради

# Банк омонатлари: банк омонатларини очиш ва уларнинг қайтарилишини кафолатланганлиги

**Депозит – бу пул маблағларини банкка маълум бир муддатга фоизларга ёки фоизсиз жойлаштириш**

Депозит турлари

- Талаб қилиб олунгунча депозитлар
- Муддатли депозитлар
- Жамғарма депозитлари

**Мамлакатимизда омонатларни кафолатлаш ва қайтариш бўйича масъул давлат ташкилоти фуқароларнинг банкдги омонатларни кафолатлаш Фонди ҳисобланади.**

**Банкнинг лицензияси чақириб олинган тақдирда, давлат томонидан фуқароларнинг банкка қўйган омонатлари уларнинг ҳажми ва валютасидан қатъий назар тўлиқ ҳажмда қайтариб берилиши кафолатланади.**

# Банкдан омонат очиш

01 Барча тижорат банкларининг омонат шартларини солиштириш

02 Қайси валютада омонатни қўйишни аниқлаб олиш

03 Омонатни қандай шаклда қўйишни танлаш: Нақд пул Нақд пулсиз

04 Омонатни очиш усулини танлаш: Банк офиси Мобил илова

05 Банкка боришдан аввал шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатларни олишни унутманг

06 Шартномага ва бошқа ҳужжатларга қўл қўйишдан олдин улар билан яхшилаб танишиб чиқинг.

# Онлайн банк омонатлари

Онлайн омонат очиш учун банк картасига эга бўлиш ва банк мобил иловаси смартфонга ўрнатилган бўлишининг ўзи етарли

## Онлайн омонатларнинг афзалликлари:

- Максимал шаффофлик: фоизлар ҳисоб-китоби, кирим ва чиқим қилинган пуллар;
- Банкка боришга ва навбатда туришга ҳожат йўқ;
- Фоиз ставкалари нисбатан юқорироқ.

## Онлайн омонатларнинг камчиликлари:

- Онлайн омонат очишга қўрқув, айниқса биринчи марта хизматдан фойдаланувчилар;
- Техник носозликлар ва виртуал фирибгарликлардан қўрқув;
- Банк лицензияси қайтариб олинганда, онлайн омонат мавжудлигини исботлаш зарурлигидан қўрқиш.

# Амалиёт

Шахсий молия ва оила бюджетини ҳисоблаш ва тартибга солиш усуллари

Банк омонатлари бўйича даромадни ҳисоблаш тартиби.

Даромад ва харажатлар рўйхатини тузиш.

# Шахсий молия ва оила бюджетини ҳисоблаш ва тартибга солиш усуллари

Оилавий бюджетни режалаштириш – шахсий молияни бошқариш ва молиявий фаровонликка эришиш асосларидан биридир.

Оилавий бюджетни режалаштиришда бир нечта амалий лайфхаклар:

### 50/20/30 Қоидаси

Бюджет тузилмасини 3 асосий компонентга тақсимлаш:

Даромаднинг 50%ини асосий харажатларни қоплашга ишлатинг, масалан, уй-жой, солиқ ва озиқ-овқат;

30%и – ихтиёрий харажатлар: ўйин-кулгу, кафе, кинотеатрга бориш и б.;

20% кредит ва қарз тўловлари, шунингдек резерв шакллантириш учун.

### 80/20 Қоидаси

80га 20 ёки Парето қоидаси.

Оила бюджетидаги барча даромадларнинг 20%и қарз мажбуриятларни тўлашга ва «молиявий ёстиқча»ни шакллантиришга ва 80%и – қолган бошқа харажатларга ишлатиш

### 3 – 6 ой Қоидаси

Сиз ва оилангиз 3-6 ой яшашига кетадиган харажатлари миқдорига тенг сумма қўлингизда ёки омонатингизда бўлиши кк.

Форс-мажор ҳолатларида ушбу резерв сизни умидсиз қарорлар қабул қилишдан сақлайди, ён-атрофга қараш ва мавжуд шароитдан чиқиш йўлини топишга имконият яратади.

# Даромад ва харажатлар рўйхатини тузиш

Бюджетни тузишда асосий вазифа — харажатларни тўғри ва оқилона тақсимлашдир, шунда иш ҳақи олдидан охирги ҳафтда қарз олмайсиз ёки кунларни очликда ўтказмайсиз.

## Даромадлар

Барча даромад манбаалари:
Иш ҳақи;
Мукофот пули;
Қўшимча даромад;
Квартиранинг арендасидан келган даромад ва шу кабилар.



## Харажатлар

Аввало зарурий харажатлар ёзилиши лозим!

Масалан:

- Озиқ-овқат;
- Коммунал тўловлар;
- Йўлкира;
- Мобил алоқа;
- Интернет.

# Валютага боғлиқ бўлган жамғармани омонат ёрдамида қандай қилиб кўпайтириш мумкин?

01

Масалан, Сизда 10 000 000 сўм маблағингиз бор ва Сиз «А-банк»га оддий фоизда омонат қўйишга қарор қилдингиз, аммо қайси валютада омонатни очишни ўйлаяпсиз.

02

Валютадаги омонат даромади ҳисоб-китоби (омонат фоизи йиллик ўртача 5%; 1$=10790 сўм):
10 млн.сўм/10790 = 926,78$
926,78 долл. США * 5 / 100 = 46,34$ (бир йилдан кейинги даромад)
Жами: 926,78+46,34 = 973,12$

03

Сўмда очилган омонатлар бўйича даромад ҳисоб-китоби (омонат фоизи йиллик ўртача 23%): 10 000 000 x 23/100 = 2 300 000 сўм
Жами: 10 000 000 + 2 300 000 = 12 300 000 сўм

04

Доллар курси бир йилда 3,7 фоизга ошганлигидан келиб чиқиб, келаси йил доллар курсини тахмин қиладиган бўлсак 2022 йил ноябрда 1$ = 11 190 сўм
Сўм ва доллардаги омонат суммаларини солиштирамиз:
Сўм: 12,3 млн.сўм   Доллар: 973,12 x 11190 = 10 889 212,80 сўм Хулоса: Сўм > Доллар

# СУҒУРТА ВА УНИНГ МИГРАНТЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ ЖИҲАТЛАРИ



**А.Г. Шаробиддинов**
***“Кафолат суғурта компанияси” АЖ***
***Суғурта бўйича директори, и.ф.н.***

# СУҒУРТА





**СУҒУРТА**

юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади



пул фондлари

**СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ**

2 суғурта товони






1 суғурта мукофоти

**фуқаро**

1 суғурта мукофоти






2 суғурта товони

**юридик шахс**

# СУҒУРТА

## МАЖБУРИЙ СУҒУРТА



## ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА



# СУҒУРТА

## УМУМИЙ СУҒУРТА




## ҲАЁТ СУҒУРТАСИ



# МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ТУРЛАРИ

## ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ

**СУҒУРТА СУММАСИ – 3000 АҚШ ДОЛЛАРИ ЭКВИВАЛЕНТИДА**

**МОЛ-МУЛККА – 35%**

**ҲАЁТИГА – 65,0%**








### СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

мажбурий суғурта қилиш шартномасига кўра транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган, суғурта қилдирувчининг суғурта товонини амалга оширишига сабаб бўладиган зарар бўйича жавобгарлиги суғурта қилинган, суғурта қилдирувчи ёки бошқа шахснинг фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши

**АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ЎРНАТИЛГАН ГАЗ УСКУНАЛАРИНИ КОМПЛЕКС СУҒУРТАЛАШ**




**+ МАЗКУР ТУРГА ҚЎШИМЧА**

+ газ ускунаси
+ жавобгарлик



**ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАЙДОВЧИЛАРИНИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СУҒУРТАЛАШ**

Ҳайдовчининг транспорт воситасини бошқараётган даврда у билан юзага келган бахтсиз ҳодисадан кўрган зарари қоплаб берилади.

# МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ТУРЛАРИ

## ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ







**ИШ БЕРУВЧИ**

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахс билан меҳнат шартномаси (контракт) тузган юридик ёки жисмоний шахс;

**ЖАБРЛАНУВЧИ**



ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан соғлиғига зарар етказилган, суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган ходим;

**СУҒУРТА ҲОДИСАСИ**

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши даврида ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган факт

**ИШ БЕРУВЧИ**




**СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ**

**МИЖОЗНИ РАД ЭТИШ ҲУҚУҚИ ЙЎҚ**



**Суғурта мукофотини ҳисоблаш формуласи**

**ПР = СС x ТБ x КСТ / 100**

## МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ТУРЛАРИ

# «ТАШУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ

### ТФЖМСҚ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУҒУРТА ПУЛИ:

Суғурта пули – **44 000 000 сўм**га тенг миқдорда белгиланган.

**40 000 000 сўм қисми**– ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарар учун;

**4 000 000 сўм қисми** – мол-мулкка етказилган зарар учун

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 октябрда «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» ги 810-сонли Қарорига асосан суғурта пули ўзгартирилган.*



### 3-модда. Асосий тушунчалар

**Суғурта ҳодисаси** — ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қилиши даврида йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги учун ташувчининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келганлигининг белгиланган тартибда тасдиқланган факти;

### 5-модда. Мажбурий суғурта объекти

Ташувчининг йўловчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги юзага келган чоғдаги мулкий манфаатлари ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш объекти ҳисобланади.

# ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИ



**05.03.2018 й.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3584-сонли Қарори қабул қилинди

**20.08.2019 й.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги ПФ-5785-сонли Фармони қабул қилинди

**23.08.2019 й.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 713-сонли Қарори қабул қилинди

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3584-сонли Қарори қабул қилинди

*13. Қуйидагилар:*

*а) «Ўзагросуғурта» АЖ икки ой муддатда:*

*вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бориш учун Россия Федерациясига жўнаб кетаётган фуқароларни комплекс ҳимоя қилиш бўйича россия суғурта компанияларининг суғурта агенти сифатида Россия Федерациясида ўз ваколатхоналарини очсин;*

*Қозоғистон Республикасида ўз ваколатхоналарини очиш тўғрисидаги таклифларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;*

*б) **«Ўзагросуғурта» АЖ, «Кафолат» суғурта компанияси» ва бошқа суғурта компаниялари икки ой муддатда:***

*имтиёзли тарифлар бўйича темир йўл ва авиабилетларни сотиш бўйича ихтисослаштирилган кассаларда вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бориш учун республика ҳудудидан ташқарига жўнаб кетаётган фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталашни расмийлаштириш учун доимий асосда суғурта агентларини жойлаштирсин;*

*вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бориш учун республика ҳудудидан ташқарига жўнаб кетаётган фуқаролар олдидаги миллий ташувчининг мажбуриятларини суғурталаш механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг
“Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон
Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя
қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги
713-сонли Қарори

*8. «Ўзагросуғурта» АЖ ва «Кафолат» суғурта компанияси» АЖга ҳаётни суғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга ошираётган ихтисосли шуъба ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш тавсия қилинсин:*

*а) меҳнат мигрантлари учун имтиёзли тарифлар бўйича:*

*ишга жойлашишга патент ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар берилиши рад этилиши таваккалчилигини суғурта қилишни;*

*хорижда ишга жойлашиш бўйича транспорт харажатлари ва бошқа харажатларни тўлаш учун берилган кредитлар қайтарилмаслиги таваккалчилигини суғурта қилишни;*

*меҳнат мигрантларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ихтиёрий тиббий суғурта полиси бериш ва суғурта қопламасини тўлашни ёки суғурта полиси шартларига мувофиқ меҳнат мигрантлари вақтинча бўлган мамлакатдаги ассистанс хизматлари кўрсатувчи хорижий суғурта компаниялари томонидан тиббий хизматлар кўрсатилишини ташкил этишни назарда тутувчи янги суғурта маҳсулотларини;*

б) *суғурта қопламасини суғурта бадали тўланган валютада тўлашни, суғурта қопламаси миқдори суғурта ҳодисасига қараб қуйидаги ҳолларда меҳнат мигрантларининг ҳаётини ихтиёрий узоқ муддатли суғурта қилиш механизмларини:*

*суғурта суммаси миқдорига тенг бўлганда — суғурта қилинган шахс вафот этган ёки у меҳнатга лаёқатини йўқотган тақдирда (I ва II гуруҳ ногиронлик);*

*суғурта суммаси миқдорига ва суғурта ташкилотининг инвестиция даромадидаги улушга тенг бўлганда — суғурта қилинган шахс белгиланган ёшга етганда. Бунда йўналтирилаётган пул маблағларининг камида 30 фоизи суғурта мукофотини тўлашга ўтказилган ва ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш шартномасига мувофиқ суғурта даври 12 ойдан ортиқни ташкил этганда, суғурта ташкилотлари жорий пул ўтказиш билан боғлиқ харажатларни тўлиқ қоплайдилар.*

**Қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида:**

- 50 000 дан ортиқ беклетлар ишлаб чиқилиб, махсус кассаларга жойлаштирилди, шунингдек чет элга ишлаш учун чиқмоқчи бўлган фуқароларга тарқатилмоқда;
- барча махсус кассалар компьютерлар, кўп функцияли принтер ва бошқа тегишли жиҳозлар билан таъминланди;
- кассаларга "ROLL UP" (маълумотлар кўрсатилган) ва стендлар жойлаштирилди;
- ҳудудлардаги мутахассислар мазкур йўналишда ўқитилди, амалий ва назарий маълумотлар берилди;
- вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига чиқаётган фуқароларни рўйхатга олиш, уларга суғурта полисини расмийлаштириб бериш тартиби ишлаб чиқилди;
- ҳар бир ҳудудга малакали мутахассислар бириктирилди, иш тартиби мазкур йўналишдаги регламент бўйича мувофиқлаштирилди

Мижозлар учун қулай бўлган ҳамда имтиёзли нархда суғурта полиси ишлаб чиқилди. Унга кўра 10 000 АҚШ долларигача бўлган жавобгарлик олиб борилади, яъни:

- мижозлар учун қулай бўлган ҳамда имтиёзли нархда суғурта полиси ишлаб чиқилди. Суғурта мукофти 50 000 (эллик минг) сўм.
- Унга кўра 10 000 АҚШ долларигача бўлган жавобгарлик олиб борилади, яъни:

- 500 АҚШ долларигача тиббий хизматларга;
- 2 000 АҚШ долларигача тиббий эвакуацияга;
- 7 000 АҚШ долларигача репатриация хизматларига;
- 500 АҚШ долларигача кузатиб борувчига.

Суғурталанган шахсларга тезкор ва замонавий ассистанс хизматини кўрсатиш мақсадида, 17 йил мобайнида суғурта ва тиббий ассистанс хизматлари кўрсатиб келаётган, халқаро рейтинга эга, Россия, Козоғистон, Болтиқ бўйи ва Европа мамлакатлари ҳудудларида туну-кун асситанс хизматлари кўрсата оладиган, Латвиянинг **“Интер ассист”** компанияси билан хамкорлик келишуви тузилди

Шунингдек, Россия Федерациясининг **“ВСК” СУ** билан шартнома мавжуд

ВСК СТРАХОВОЙ ДОМ

KAFOLAT

“KAFOLAT SUG'URTA KOMPANIYASI” AJ

# ПОЛИС СТРАХОВАНИЯ ГРАЖДАН, ВЫЕЗЖАЮЩИХ ЗА ПРЕДЕЛЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, В ЦЕЛЯХ ОСУЩЕСТВЕЛНИЯ ВРЕМЕННОЙ ТРУДОВОЙ ДЕЯТЕЛЬОСТИ

## ЎЗБЕКИТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАН ТАШҚАРИА ВАҚТИНЧА ИШЛАШ МАҚСАДИДА ЧИҚАЁТГАН ФУҚАРОЛАРНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ПОЛИСИ

ВСК СТРАХОВОЙ ДОМ

KAFOLAT
"KAFOLAT SUG'URTA KOMPANIYASI" AJ

| **ПОЛИС Страхования граждан, выезжающих за пределы Республики Узбекистан, в целях осуществления временной трудовой деяельности**<br>Ўзбекистон Республикаси ҳудудилан ташқарига вақтинча. даволини ёзиш 12-12 | **Серия MIG** |
|---|---|

| **Фалимия, имя Страхователя:**<br>Суғурта қилдирувчининг исми, шарифи | **Адрес и телефон Страхователя:**<br>Суғурта қилдирувчининг манзили ва телефон рақами | **Территория действия:**<br>Амал қилиш ҳудуди |
|---|---|---|
| | | |

| **Фалимия, имя Застрахованного:**<br>Суғурталанган шахснинг исми, шарифи | **№ паспорта:**<br>Паспорт № | **Дата рождения:**<br>Туғилган санаси | **Фамилия, имя Выгодоприобретателя:**<br>Наф олувчининг исми, шарифи | **Период страхования:**<br>Суғурта муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | с__/___20___дан<br>по__/___20___гача |
| **Общая страховая сумма, USD:**<br>Умумий суғурта пули, USD | **10 000 (Десять тысяч/Ўн минг)** | | | |
| **Страховая премия, сум:**<br>Суғурта мукофоти, сўм | **50 000 (Пятьдесят тысяч/Эллик минг)** | | | |

Дата выдачи / Берилган сана _____/_____/_____

Место выдачи / Берилган жойи ______________________________

| **Страховщик:**<br>Суғурталовчи<br>________________<br>Подпись/имзо<br>М.П. / М.Ў. | **Настоящим заявляю, что с правилами страхования ознакомлен и согласен. Экземпляр Правил страхования получил:**<br>Суғурта қоидалари билан танишдим, суғурта шартларига розиман, суғурта қоидаларини ва полиснинг асл нусхасини олдим. | **Страхователь:**<br>Суғурта қилдирувчи<br>________________<br>Подпись/имзо |
|---|---|---|

***1-жадвал***

| Умумий суғурта суммаси АҚШ долларида: | 10 000 |
|---|---|
| **Суғурта қопламаси тури:** | |
| • тиббий харажатлар | 500 |
| • тиббий эвакуация | 2 000 |
| • репатриация | 7 000 |
| • кузатувчининг харажатлари | 500 |

## МИГРАНТЛАР эътибор бериши лозим бўлган 7 та факт

1 *Суғурта полиси доим олдингизда бўлсин.*

2 *Бирор ҳодиса бўлса, суғурта полисида кўрсатилган телефон рақамларига қўнғироқ қилинг.*

3 *Суғурта полиси рақами ва Ф.И.Ш. айтинг.*

4 *Мурожаатингизни тушунтиринг.*

5 *Ҳар қандай суғурта полисида телефон рақами мавжуд.*

6 *Ҳар қандай тиббий хизмат учун чек олишни унутманг.*

7 *Ҳар эхтимолга қарши суғурта полиси нусхаси ёки расмини яқинларингизга бериб қўйинг.*